



Кадимий Эрон ҳукмдори Жамшид Жамнинг номи биринчи бўлиб шаробни ўйлаб топган киши сифатида тарихда қолган. Жамшиднинг шаробни ўйлаб топиши бундай содир бўлган:

У бир куни ов қилиш учун аъёнлари билан тоққа йўл олди. Кетаётиб тасодифан гарк пишиб ётган узумзорга дуч келди. Узумдан тердириб, ачитқисини ўлимга маҳкум қилинган қотилларни кўпроқ қийнаб ўлдириш учун уларга беришни буюрди. Унинг фармонига биноан ачитқидан сиқиб олинган шарбатни ўлимга маҳкумларга зўрлаб ичиришди. Шунда маҳкумларнинг бири қаттиқ уйқуга кетди. Бир қанча вақт ўтганидан кейин уйғониб, ўзига келди ва яна озгина ичиришларини сўради. Иккинчи марта шаробга тўйиб олгач, хурсандчиликдан кўзлари завқ-шавқ билан порлай бошлади. Бу ҳолатни ҳайрат билан кузатиб турган Жамшид шарбатдан татиб кўришга жазм этади. Ундан кейин аъёнлар ҳам ичиб кўришади. Ҳаммалари ичкиликнинг қайфи билан эс-хушларини йўқотишади.

Шундай қилиб, ҳукмдорнинг барча маросимларида узумдан тайёрланадиган ичимликлар ичиш одат тусига кирди. Ҳар гал дастурхон тузалиб, Жамшид ёронлари билан давра қураётган экан, албатта маст бўлиб, вақтичоглик қилишар эди. Унга «Жам анъанаси, Жам маросими» номини беришди.

Жамшид Эронда зардуштийлардан ҳам олдин шароб ичиш маросимини ўтказган, йигинларда турли хил ичкиликлар билан фуқароларини «сийлаган». Аста-секин шароб ичиш урфга кириб, инсонлар шаробхўрлик ва мастлик балосига йўлиқишган, ахлоқсизлик юз тутишган. Ўлкада бора-бора жирқанч ва қабих бир ҳаёт тарзи вужудга келган.

Кейинчалик асма дарахтининг узумлари ажратиб олиниб, ачитқисидан тайёрланган шароб қўшни халқларга ҳам тарқатилган. Қадимги мисрликлар, ибронийлар, юнонлар шу тариқа ичкиликка мубтало бўлишган эди. Бора-бора Хиндистон, Рум, Хитой, Арабистон, Шом (Сурия), Мисрда турли кўринишларда ичкиликлар пайдо бўлди, инсоният мастлик ва хорлик сари шиддат билан кета бошлади.

Асрлар ўтиб, Жамшид базмлари тилларда дoston бўлган («Баъзи Жамшид» ибораси ҳатто бизда ҳозиргача ҳам ишлатиб келинади). Инсонлар бир-бирларини шароб билан сийлаб, ўша базмларни ёдга олишган, ичкилик мажлислари, зиёфатлари уюштириб, гуноҳларга ботишган. Шу тариқа шаробни ўйлаб топган Жамшид Жамнинг номи одамлар орасида машҳур бўлиб кетган. Майхўрлар доим Жамнинг шарафига ичишган, уни

хотирлаб, май кадаhini «Жоми Жам» деб номлашган. Майпараст шоирлар уни шарафлаб, ашъор ёзишган, инсонлар орасига ёмонлик уругларини сочишган, канча авлодларни разолатга бошлашган (Мухаммад Камол. «Барча ёмонликларнинг боши» китоби, 21-23-бетлар).